ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЛМ-МАЪРИФАТЛИ ОҚИЛА ҚИЗЛАРНИНГ ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ АСОСИДА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



Мусурманова Ойниса Мусурмановна
Республика Оила ва хотин- қизлар қўмитаси ҳузуридаги “Оила ва гендер“илмий-тадқиқот институти директор ўринбосари, *Республика “Оқила аёллар” ҳаракати етакчиси, п*едагогика фанлари доктори, профессор
Elektron pochta: *aynisa.musurmanova@gmail.com*



Рискулова Камола Джумаевна
Тошкент Пучон университети (Bucheon University in Tashkent, BUT),
Ёшлар масалалар ва инновациялар бўйича биринчи проректор,
Педагогика фанлари доктори, профессор
Elektron pochta: *Rustam-shoh@yandex.ru*

“Айниқса қизларимизнинг саломатлигини асраш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарлар эгаси бўлиб вояга етиши, жамиятда муносиб ўрнини топиши учун биз барчамиз – ота-оналар, жамоатчилик, мутасадди раҳбарлар жавобгар ва маъсулиятимизни янада кучайтиришимиз зарур. Нега деганда қиз бола бўлғуси оила бекаси, келажагимиз эгасидир. Бугун биз уларга қандай таълим-тарбия берсак, эртага улар янги авлодимизга шундай тарбия беради”.
Ш. Мирзиёев

Аннотация

Мақолада Олий таълим тизимида илм-маърифатли оқила қизларнинг гендер тенглиги асосида ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш, бу борада давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ижтимоий чора-тадбирлар, яратилаётган шарт-шароитлар, ёш қизларнинг гендер тенглик асосида иқтидор ва қобилиятларига кўра билим олишлари, илм билан шуғулланишлари, касб эгаллашлари, меҳнат ва бандлигини таъминлаш, **ижтимоий фаоллигини оширишнинг** мазмуни, йўналишлари, педагогик шарт-шароитлари, омиллари, босқичлари, индикаторлари илмий-назарий жиҳатдан талқин этилган, хулоса ва тавсиялар олға сурилган.

Таянч сўзлар: Олий таълим тизимида илм-маърифатли оқила қизларнинг гендер тенглиги, ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқ ва манфаатлари, ижтимоий муҳит, микромуҳит, макромуҳит, ижтимоий-педагогик омил, илмий-маърифий шарт-шароит, **мафкуравий иммунитет,** анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод ва воситалар, фуқаролик позицияси, олима ва оқила қизлар, қобилият ва интеллектуал салоҳият босқичлар, ижтимоий-коммуникация жараёни.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Олий таълим тизимида илм-маърифатли оқила қизларнинг гендер тенглиги асосида ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бирига айланди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан олға сурилган **“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да таъкидланганидек:** *“Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш“*[1.4/5] мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим тизимида хотин-қизлар гендер тенглиги асосида ижтимоий-сиёсий фаоллигини инновацион такомиллаштириш механизмлари, гендер тенглик тамойилини жамиятга сингдириш билан боғлиқ амалга оширилаётган ислоҳотлар диққатга сазовордир.

Жумладан, 2016 йилдан бугунги кунга қадар гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувида ролини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2 та қонуни, Президентнинг 9 та Фармон ва қарори, ҳукуматнинг 18 та қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори билан **“2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка еришиш стратегияси” ишлаб чиқилди**[1] ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Гендер тенглик- ҳаётнинг барча жабҳаларида аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўғил болалар учун тенг ҳуқуқ, масъулият, имконият, қадрият ва натижа ҳисобланади. Гендер тенглик фақат аёлларга тааллуқли масала бўлмасдан, у эркакларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларини англатади. Гендер тенглик **инсонни асосий ҳуқуқлари бўлиб, уни** таъминлашда аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам **ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий** манфаатлари, эҳтиёжлари ва устуворликлари ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 22 февралдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 46-сессиясида илгари сурилган **гендер сиёсати** масалалари ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан ошириш ғояси Янги Ўзбекистон шароитида хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг яққол намунасидир[2]. Айнан ривожланган жамиятнинг талабларидан бири бу эркак ва аёл ҳуқуқ ва манфаатлари гендер тенглигини таъминлашдир.

Шунингдек,”**Ижтимоий фаолликнинг ўзи нима? Нима сабабдан бугунги кунда ёшларда ижтимоий фаолликни тарбиялашга давлат таълим сиёсати даражасида қаралмоқда?”.**

Луғатларда изоҳланишича “Ижтимоий фаоллик-ижтимоий субъектлар (жамият, табақа, гуруҳ ва шахслар)нинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокининг, меҳнат ҳамда маданий-маърифий фаолиятининг кучайиши, қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ амалга оширишга интилиши” демакдир. Шунингдек,”ижтимоий фаоллик шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва хулқ атворини онгли равишда бошқаришнинг асосий шарти ҳисобланади.

Бизнинг назаримизда ижтимоий фаоллик-шахснинг жамият тараққиётини ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, яратувчанлик ҳамда инсонпарварлик сиёсати мазмун ва моҳиятини онгли равишда билиши ҳамда унга креатив ёндошув асосида амал қилиши демакдир. Ижтимоий тарбия эса-шахснинг мавжуд интеллектуал салоҳиятини ижтимоий-сиёсий онги ва тафаккурининг маҳсули сифатида жамият тараққиёти учун сафарбар этишга тайёрлаш демакдир (Муаллифлик ёндошуви).

Ижтимоий фаоллик натижаси шахс онги ва тафаккури маҳсули сифатида амалий фаолиятда ўзини намоён этади. ижтимоий фаоллиги демократик фуқаролик жамияти барпо этишнинг негизи ҳамда мамлакатимизни дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишларида муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда қизларни жаҳон стандартларига мос рақобатбардош мутахассис кадрлар бўлиб етишишлари билан бир қаторда, уларни ижтимоий фаол фуқаро сифатида тарбиялаш давлат таълим сиёсатининг

[1] “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори. СҚ-297-IV-сон 28.05.2021 (https://lex.uz/docs/5466673)

[2] https://www.gazeta.uz/uz/2021/02/22/Президент БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши сессиясида нутқ сўзлади.

устувор масалаларидан бирига айланган.

Тадқиқот ишлари натижаси таҳлиллари шундан далолат берадики, **Олий таълим тизимида илм-маърифатли оқила қизларнинг гендер тенглиги асосида ижтимоий фаоллигини такомиллаштиришнинг** ижтимоий-сиёсий механизлари, унинг таркибий компонентлари, манбалари, шарт-шароитлари, мазмуни ва самарали шакл ва методлари глобаллашув шароити талаблари асосида етарлича тасниф этилмаган. Шунингдек, ижтимоий фаолликни шаклланганлигини белгиловчи ижтимоий-педагогик индикаторлари ишлаб чиқилмаган.

Бизнинг илмий хулосаларимизга кўра бўлажак и**лм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда** тўртта устувор йўналишларга эътиборни кўчайтириш лозим:

- бўлажак илм-фан соҳибаларида глобаллашув жараёни талабларига мос **ижтимоий-сиёсий фаоллик индикаторларини** шакллантириш;

-умуминсоний ва миллий демократик қадриятларга содиқлик асосида замонавий **кенг дунёқараш ва бағрикенгликни** ривожлантириш;

-маънавий-маърифий тарбия негизида **ёш қизларда миллий қадриятлар воситасида мафкуравий иммунитет ва миллий ўзликни англашни** шакллантириш;

-жамият тараққиётида ҳар бир шахс ўз интеллектуал салоҳияти, ижодкорлиги, ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини креатив тафаккур мезонлари асосида намоён этиш замирида **фуқаролик позициясини амалий ҳаётда** намоён этишини такомиллаштиришдан иборатдир.

Мазкур йўналишлар асосида илм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизларнинг касбий фаолиятида намоён бўладиган ижтимоий фаолликнинг бир қанча индикаторлари мавжуд бўлиб, биз уларни қуйидаги мазмунда таклиф этдик:

-мамлакатимизда ёшларга, хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг асосларини ғоявий-сиёсий моҳиятини назарий ва амалий жиҳатдан англаб етиш ва унга фаолияти жараёнида методологик асос сифатида амал қилиш;

- **бўлажак илм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизларнинг** ўз ҳуқуқ ва бурчларини мукаммал билишлари ва уларга оғишмай амал қилишлари;

-жамиятда бўлаётган туб ўзгаришлар ва уларнинг мазмун ва моҳиятидан хабардорлик;

-жамоа ва жамият манфаатларини ўз манфаатидан юқори қўйиш;

-ватан, халқ, миллат равнақи йўлида бутун куч, билим ва имкониятларини сафарбар этиш;

-ижодкорлик, ташаббускорлик ҳамда ўз фаолиятининг ҳар бир турига креатив тафаккур билан ёндошиш (ўқиш,ўйин, ижтимоий фойдали меҳнат) малака ва кўникмаларига эга бўлиш;

-ўз қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини оиласи, маҳалласи, мактаб ёки олий таълим муассаси жамоаси манфаатлари йўлида сахийлик билан намоён этиш;

-атроф-муҳитда бўлаётган вақеа-ҳодисаларга сезгирлик ва огоҳлик билан муносабатда бўлиш;

-миллий минталитетимизга хос диантологик қоидалар, мезонларга оғишмай амал қилиш;

- мафкуравий иммунитет орқали турли ёт мафкуравий оқимлар, ғояларга нисбатан муросасизликни ўз амалий фаолиятида намоён этиш;

-умуминсоний ва миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромни назарий ва амалий жиҳатдан исботлаш;

-бўш вақтларини иқтидорлари, интилишлари, қизиқишлари, қобилиятлари бўйича мақсадли, ижтимоий фойдали ташкил этиш;

-соғлом турмуш тарзи асосида ҳаёт кечириш, турли иллатларга нисбатан муросасиз бўлиш;

-глобаллашув жараёни талабларидан келиб чиққан ҳолда толерантлик тафаккури асосида турли миллат вакиллари, уларнинг миллий анъаналари, тили, дини, маданияти, санъатига нисбатан ҳурмат ва эҳтиромини кўрсатиш;

-шахсий рефлекция талабларига риоя этган ҳолда ўз фаолиятини доимий назоратда ушлай олиш, вақтдан тўғри фойдаланиш, натижани олдиндан кўра билиш қобилиятини намоён этиш.

Албатта бўлажак и**лм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизларнинг** гендер тенглиги асосида ижтимоий-сиёсий фаоллигини белгилаб берадиган мазкур индикаторларнинг ҳаётийлиги, замонавийлиги, илмий ва методик жиҳатдан асосланганлиги муҳим рол ўйнайди.

Бўлажак и**лм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизларнинг** гендер тенглиги асосида ижтимоий-сиёсий фаоллигини шакллантириш ва уларнинг натижасини ижтимоий-педагогик жиҳатдан баҳолаш мураккаб ижтимоий-сиёсий жараён ҳисобланади. Ушбу жараённи самарали ташкил этиш учун аввало ”Бўлажак мутахассисларда ижтимоий-сиёсий фаоллик қандай механизм асосида шакллантирилади?”-деган саволга жавоб топиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики гендер тенглиги асосида **бўлажак и**лм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг **ғоявий-ижтимоий манбалари** мавжуд бўлиб, улардан таълим муассасаларида дарс ва дарсдан ташқари бўш вақтда шуғулланиладиган мастақил таълим жараёнида фойдаланиш мутасадди мутахассислар, ўқитувчилардан юксак педагогик маҳорат талаб этади.

Яъни, уларни қуйидагича таснифлаш мумкин: барча ўқув фанларидан дарслик материаллари, методик материаллари (ўқув-методик қўлланмалар, оммабоп методик рисолалар, илмий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар,тарқатма материаллар ва б.қ.);

сиёсий-ҳуқуқий характердаги меъёрий ҳужжатлар (қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, давлат дастурлари,тегишли вазирлик ва идораларнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари ва б.қ.);

умумёш қизлар манфаатлари йўлида ишлаб чиқилган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий лойиҳалар;

ОАВ, медиа материаллар;

халқаро ва миллий характердаги ижтимоий ҳаётда тўпланган илғор тажрибалар шулар жумласидандир. Уларда жамиятнинг янги-янги эҳтиёжлари, ғоялари ва ижтимоий мезонлари ўз аксини топган.

Умуман бу ўринда таълим-тарбияда ичта асосга суяниш мақсадга мувофиқдир: **биринчиси, авлод-** аждодларимизнинг оқила аёллари маънавий меросига таяниш; **иккинчиси,** миллий ва халқаро замонавий илм-фан, техника ва технология ютуқларига; **учинчидан,** ижтимоий ҳаётда бўлаётган туб ўзгаришлар, вақеа- ҳодисалар, миллий ва халқаро ҳаётий тажрибаларга суяниш. Булар бўлажак и**лм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизлар** гендер тенглиги асосида ижтимоий фаоллигини шакллантиришдаги тарбиявий ишлар учун таянч манбаи ҳисобланади. Бўлажак и**лм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизларнинг** ижтимоий фаоллигини оширишда мамлакатимиз ва дунё ёшлари,қизлари ҳаётидаги кундалик янгиликлар асосида уларнинг **ўзаро мулоқот алмашинуви,** яъни ижтимоий-коммуникация жараёнини таъминлаш энг самарали натижаларга олиб келади. Зеро, ижтимоий мавзулардаги коммуникация жараёнида иштирок этган ёшлар ўз билим ва тажрибаларини синовдан ўтказиш билан бирга тенгдошлари ўртасида тарғибот ишларини олиб борадилар ва шу асосда уларни ҳам фаолликка ундаш имкониятига эга бўладилар. Айниқса ушбу метод **уюшмаган иқтидорли ёш қизлар қатлами ҳамда** ижтимоий-ҳуқуқий хавфли гуруҳ қизларни бирлаштиришда, ижтимоий ҳаётга мослаштиришда ижобий самара беради.

Бўлажак и**лм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизларнинг** гендер тенглиги асосида ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш самарадорлиги ушбу жараёнда жамиятнинг барча институтлар яъни, таълим муассасалари, ёшлар агентлиги,тегишли вазирлик ҳамда идоралар, оила, маҳалла,"Олималар"жамияти, "Оқила аёллар" ҳаракати ва бошқа ёшлар масалалари билан шуғулланувчи фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигига боғлиқдир. Бўлажак мутахассисларни ғоявий етуклик сари бошлаш учун **ўз-ўзига ишонч ҳиссини** уйғотиш керак.

Шунингдек, бўлажак и**лм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизлар** гендер тенглиги асосида ижтимоий-сиёсий фаоллигини ривожлантиришга қаратилган баъзи муҳим чор-тадбирларни ҳам амалга ошириш бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

-мобил интернет фойдаланувчиларга мўлжалланган ёш қизларнинг интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини янада оширишга хизмат қиладиган миллий интеллектуал ўйинлар мазмунини ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб этувчи алоҳида сайтлар очиш мақсадга мувофиқдир;

-тегишли вазирлик ва идоралар томонидан мамлакатимизда турли соҳаларда таълим олаётган и**лм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизлар** гендер тенглиги ҳақида ҳужжатли оммабоп фильмлар, телерадио очерклар, рисолалар,интернет видеороликлари яратиш, ижтимоий сайтларда, ОАВда махсус рукнлар ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларида мавзуга оид кўрсатув ва эшиттиришлар бериб бориш зарур;

-республикада ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича вазирлик, идоралар, ижодкор, ижтимоий-сиёсий фаол хотин-қизлар, ҳокимлик вакиллик органлари раҳбарлари билан ижтимоий тармоқларда тўғридан-тўғри узатиладиган очиқ мулоқотлар ташкил этиш;

-узлуксиз таълим тизимида бўлажак и**лм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизлар** гендер тенглиги асосида ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилувчи махсус ўқув курслари, факультатив машғулотлар мазмунини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш;

-ижтимоий характердаги муаммолар бўйича тўгараклар ташкил этиш, битирув малакавий ишлар, илмий-ижтимоий лойиҳалар танловларини ташкил этиш ҳамда Республика миқёсида мавзуга оид анъанавий кўрик-танловлар, илмий-амалий Форум ташкил этиш бўлажак и**лм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизлар**нинг гендер тенглиги асосида ғоявий-сиёсий компетентлигини ошишида муҳим аҳамият касб этади.

-уюшмаган, ижтимоий хатар гуруҳ, боқувчисини йўқотган чин етим, имконияти чекланган бўлажак **илм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизлар**ни ҳам қизиқишларига кўра ижодий ва касб-ҳунар тўгаракларига имтиёзли жалб этишни такомиллаштириш механизмини белгилаб берувчи Концепция яратилмоғи давр талабидир.

Шундай қилиб, бўлажак **илм-фан билан шуғулланувчи иқтидорли қизлар**нинг гендер тенглиги асосида ижтимоий фаоллигини шакллантириш давр талаби бўлиб,ушбу муаммонинг илмий, ижтимоий-педагогик асосларини, шарт-шароитларини, таълим-тарбия жараёнида амалга ошириш механизмини билиш ва унга ижодий ёндошиш узлуксиз таълим тизими мутахассис ўқитувчилари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари мутахассис ходимларидан, олима-ю оқила аёлларидан ижтимоий-сиёсий маданиятни, ижодий компетентликни талаб этади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида" ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Қонуни.

3.Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги ЎРҚ-576-сон Қонуни.

4.Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги”Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни.

5.“2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка еришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори. СҚ-297-ИВ-сон 28.05.2021 (хттпс:ҒҒлех.узҒдоссҒ5466673)

6. Ўзбекистон Республикасининг” Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган. 2016 йил 14 сентябрдан кучга киритилган).

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 7-мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инноватsияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сон қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари ҳамда унинг маслаҳатчисининг функционал вазифалари шунингдек ёшлар смиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департамент тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 352 сонли Қарори.

11. Narbaeva, T. K., & Musurmanova, A. (2021). Priority Areas Of Spiritual, Moral And Physical Education Of Youth In The Family. *Ilkogretim Online*, *20*(3), 1648-1656.

12.Narbaeva, T., Musurmanova, A., & Ismailova, Z. (2023). Priority areas of spiritual, moral and physical education of youth in the family. Science and innovation, 2(B1), 49-59.

13. Ismailova, Z., Choriev, R., Musurmanova, A., & Aripjanova, M. (2020). Methods of training of teachers of university on advanced training courses. Journal of Critical Reviews, 7(5), 413-416.

14. Мусурманова, А. (2019). Концептуальные основы формирования духовной культуры молодежи в системе непрерывного образования. Проблемы педагогики, (1 (40)), 5-7.

15. Aynisa, M. (2018). Improvement of the pedagogical mechanisms of the family and educational institutions in the development of the spiritual culture of adolescents of social and legal risk groups. Проблемы педагогики, (1 (33)), 5-7.

16. Мусурманова, О., Палуанова, Х., Рискулова, К., & Курбаниязова, З. (2019). Педагогик атамалар луғати: ўзбек, рус, инглиз тилларида. Т.:“TURON_IQBOL.

17. Musurmanova, A., & Abdukhayotovna, A. K. (2023). THE MOVEMENT OF FOREIGN COUNTRIES IN PROTECTING WOMEN'S RIGHTS AND THE CONTENT OF REFORMS IN OUR COUNTRY. Finland International Scientific Journal of Education. Social Science & Humanities, 11(1), 1074-1080.

18.Aynisa, M. (2022). PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES-THE FACTOR OF EDUCATIONAL EFFICIENCY. *Thematics Journal of Education*, *7*(4).

19.Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати/ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси,Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти; таҳрир ҳайъати: Х.Султонов ва бошқ., тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 187-188 б.

20. Тиллаева Г. Ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбияси. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. - 166 б.